

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ
11 ДЕКАБРДАН
ЧИКА БОШЛАГАН

№ 41 (7431).

28

ФЕВРАЛЬ
ШАНБА

Баҳоси 3 тийин.



КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари тўғрисида ўртоқ Л. И. Брежнев доклади юзасидан КПСС XXVI съездининг РЕЗОЛЮЦИИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездига Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари ҳақидаги докладыни тинглаб ва муҳокама этиб, қарор қилади:

1. Партия Марказий Комитетининг ленинча йўли ва амалий фаолияти тўла-тўқис маъқуллансин.
2. КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот доклади маъқуллансин ҳамда барча партия ташкилотларига ўз ишларида ички ва ташқи сиёсат соҳасида ўртоқ Л. И. Брежнев докладада баён этилган қоидалар ва вазифаларга амал қилиш таклиф этилсин.

КПСС XXVI СЪЕЗДИНИНГ ҚАРОРИ Янги таҳрирдаги КПСС Программасини тайёрлаш тўғрисида

КПСС Программаси қабул қилинган пайтдан буён 20 йил ўтганлигини ва бу даврда социалистик ва коммунистик қурилишда катта тажриба тўпланганлигини ҳамда халқаро майдонда янги ўзгариш ва жараёнлар содир бўлганлигини назарда тутиб, КПСС XXVI съезди қарор қилади:

КПСС Марказий Комитетига жаҳондаги ижтимоий тараққиёт қонуниятларини, партия ва совет халқининг коммунизм учун курашдаги мақсадлари ва асосий вазифаларини умуман тўғри белгилаб

берган партиянинг амалдаги Программасига зарур қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳамда янги таҳрирдаги КПСС Программасини партиянинг навбатдаги съездига тайёрлаш топширилсин.

Бунда совет жамиятининг ҳаётидаги ва жаҳоннинг ижтимоий тараққиётидаги энг муҳим ўзгаришлар, коммунизм қурилишининг энг катта вазифалари Программада илмий жиҳатдан чуқур акс эттирилиши лозим.

КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисоботи юзасидан КПСС XXVI съездининг қарори

КПСС Марказий Ревизия Комиссиясининг ҳисоботи тасдиқлансин.

Л. И. БРЕЖНЕВ Г. ГУСАК БИЛАН УЧРАШДИ

26 февраль кунин КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев ЧКП Марказий Комитетининг Бош секретари, ЧССР Президенти Г. Гусак билан дўстона учрашди. Учрашув вақтида Л. И. Брежнев билан Г. Гусак Совет — Чехословакия ҳамкорлигининг актуал масалалари ва баъзи халқаро

проблемалар юзасидан фикрлашиб олишди.

Г. Гусак КПССнинг XXVI съезди ишига, унинг халқаро аҳамиятига, съездда Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети номидан қилган Ҳисобот докладыга юксак баҳо берди. У съезд делегатларининг нутқлари ҳақида сермазмун эканлигини, улар партиянинг XXV съезди би-

лан XXVI съезди ўртасидаги даврда КПСС Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси бажарган самарали ишларга яқиндан билан баҳо берганликларини таъкидлади.

Л. И. Брежнев совет коммунистлари ва бутун совет халқи Чехословакия меҳнаткашларининг ривожланган социалистик жамият қурили-

шдаги бунёдкорлик фаолиятининг қардошларча зўр иштиёқ билан кузатиб турганликларини ўқитиб ўтди. Чехословакия коммунистларининг ЧКП XVI съездида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишда муваффақият қозонишларини тилади.

Учрашув қардошларча самимий вазиятда ўтди. (ТАСС).

Л. И. БРЕЖНЕВ МЕНГИСТУ ХАЙЛЕ МАРИАМ БИЛАН УЧРАШДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежнев 26 февраль кунин Москвада КПСС XXVI съездига меҳмон бўлиб келган Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси ва Социалистик Эфиопия Муваққат-ҳарбий маъмурий кенгашининг Раиси Менгисту Хайле Мариам билан учрашди.

Илиқ ва самимий суҳбат вақтида Менгисту Хайле Ма-

риам КПСС Марказий Комитетининг съездига қилган Ҳисобот доклады ҳам, съезд ўтаётган ишчилар вазияти ҳам унга ёрқин таассурот қолдирганлигини айтди. Л. И. Брежнев ва Менгисту Хайле Мариам ўртоқлар тинчликни мустаҳкамлаш, кескинлигининг юмшатилишини чуқурлаштириш ва курашнинг пойғасини янгилаш бора халқлар ва давлатларнинг иши эканлигига қатъий ишонч билдирдилар.

Совет Иттифоқи билан Со-

циалистик Эфиопия ўртасидаги, КПСС билан Эфиопия Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссияси ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги ҳолатидан ҳар икки томон мамнуъ эканлиги назор қилинди.

Менгисту Хайле Мариам съезд делегатларининг, барча совет коммунистларининг ялпи тинчлик манфаатлари йўлида, Совет Иттифоқи халқларининг бахт-саодати ва раънақи йўлида муваффақиятли ва самарали иш олиб боришларини тилади.

Л. И. Брежнев КПСС XXVI съездининг ишига юксак баҳо берганлиги учун Менгисту Хайле Мариамдан миннатдор эканлигини айтди ва Социалистик Эфиопия халқи Меҳнаткашлар партияси ташкилот комиссиясининг раҳбарлигида миллий-демократик революция программаси белгилаб берган вазифаларини ҳал этишда янги муваффақиятларга эришадиган деб ишонч билдирди. (ТАСС).

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди 26 февраль кунин Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида ўз ишнин давом эттирди. Кечқурунги мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри ўртоқ А. А. Громико раислик қилди.

КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездида Ҳисобот доклады ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифаларини ва КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботини муҳокама қилишда СССР Композиторлар союзи правленисининг биринчи секретари Т. Н. Хренников, КПСС Тюмень область комитетининг биринчи секретари Г. П. Богомяков, Украина Компартияси Донецк область комитетининг биринчи секретари Б. В. Качура, КПСС Красноярск ўлка комитетининг биринчи секретари П. С. Федирко, «Ленинградский, металлургический завод» турбосозлик ишлаб чиқариш бирлашмасининг йиғувчи слесарлар бригадир В. С. Чичеров, КПСС Татаристон область комитетининг биринчи секретари Р. М. Мусин, Кострома область, Макарьев райондаги Ефим Сакмаз йиллик мактабининг ўқитувчиси А. А. Смирнова ўртоқлар қатнашдилар.

Шундан кейин съезд КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот доклады ва КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботи юзасидан музокараларни тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Съезд КПСС Марказий Комитетининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVI съездида Ҳисоботи ҳамда ички ва ташқи сиёсат соҳасида партиянинг навбатдаги вазифалари тўғрисида ўртоқ Л. И. Брежнев доклады юзасидан баланд руҳ ва яқинлик билан резолюция қабул қилди. Бу резолюция лойиҳасини комиссия тошйирлигига мувофиқ КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. В. Гришин киритган эди.

КПСС XXVI съезди партия Марказий Комитетининг ленинча йўли ва амалий фаолиятини тўла-тўқис маъқуллади. Съезд КПСС Марказий Комитетининг Ҳисобот докладыни маъқуллади ва барча партия ташкилотларига ўз ишларида ички ва ташқи сиёсат соҳасида ўртоқ Л. И. Брежнев докладада баён этилган қоидалар ва вазифаларга амал қилишни таклиф этди.

Залда гулдурас қарсақлар бошланади, КПССни шарафловчи хитоблар янграйди. Делегатлар ўринларидан туриб ленинчи Марказий Комитетни, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежневни баланд руҳ билан табриклайдилар.

Съезд КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ М. А. Сусловнинг янги таҳрирдаги КПСС Программасини тайёрлаш тўғрисидаги нутқини тинглади ва шу масала юзасидан қарор қабул қилди.

Съезд КПСС Марказий ревизия комиссиясининг ҳисоботини бир овоздан тасдиқлади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVI съезди 27 февраль кунин Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида ўз ишнин давом эттирди.

Эрталабки мажлисда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари ўртоқ В. В. Гришин раислик қилди.

Съезд делегатлари ва меҳмонлари самимий кутиб олган СССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Н. А. Тихонов «СССРни иқтисодий ва социал-ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ва 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган асосий йўналишлари» тўғрисида доклад қилди.

Ўртоқ Н. А. Тихонов доклады юзасидан музокарада КПСС Москва область комитетининг биринчи секретари В. И. Конопов, КПСС Кемерово область комитетининг биринчи секретари Л. А. Горшков, Украина ССР Министрлар Советининг Раиси А. П. Ляшко, СССР автомобил саноати министри В. Н. Поляков ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Чили Коммунистик партиясининг Бош секретари Луис Корвалан, Германия Коммунистик партиясининг Раиси Герберт Мис, Яман Социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, Яман Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Кенгаши Президиумининг Раиси, Бош министри Али Носир Мухаммад ўртоқлар съездни табриклайдилар. Съезд делегатлари ва меҳмонлари уларни самимий кутиб олдилар.

28 ФЕВРАЛЬ 1981 ПИЛ 5-бет.

